

Аптека ёхуд арабча «абу текка»



13:31 / 04.06.2021 2517

Албатта, тиб бор ерда доришунослик ҳам бор. Тибнинг ривожига қараб доришунослик ҳам ривожланади. Чунки бу икки нарса бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Муслмонлар ўз динларини маҳкам тутиб, унинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаб илмнинг ҳеч ким чиқа олмаган чўққиларига чиққан пайтларида, тиб илмида оламшумул кашфиётлар қилган вақтларида доришунослик бўйича ҳам шу каби муваффақиятларга эришдилар.

Бу соҳа бўйича ҳамма халқлар муслмонларга шогирд бўлдилар. Уларнинг кашфиётларидан фойдаландилар. Ҳатто баъзи истилоҳларини ҳам ўз тилларига қабул қилдилар.

Доришуносликнинг бош истилоҳларидан бири «дорихона» ажнабий тилларда «аптека» дейилади. Биз бу сўзни ажнабийча деб ўйлаб ишлатишдан тортинамиз. Аммо ажнабийлардан ушбу сўз нима маънони англатишини сўралса, уларнинг биладиганлари бу сўз аслида арабча эканини айтадилар. Ҳа, «аптека» сўзи арабча «абу текка» — «ҳар хил нарса сотадиган дўкон» сўзининг бир оз бузилган кўриниши экан.

Авваллари дори-дармонлар аттор дўконларига ўхшаш ҳар хил майда-чуйда нарсалар сотиладиган дўконларда сотилган экан.

Кейинчалик, мусулмонлар ҳаракати ила доришунослик ривожланиб аптекалар алоҳида бўлган экан.

Айнан ажнабий ғарбликлар мусулмонлар биринчи бўлиб доришунослик илми ва касбига асос солганларини эътироф қилган эканлар.

Мусулмонлар турли нарсаларни аралаштириб улардан кимёвий усул ила дори тайёрлашни биринчи бўлиб йўлга қўйдилар.

Дорини ичишни осонлаштириш учун уни ширинлик қўшилган ва суюқ ҳолда тайёрлаш ҳам биринчи бўлиб мусулмонларнинг ақлларига келган, улар ундоқ дориларни шароб деганлар. Ғарбликлар ўша номни бир оз ўзгартиб «сироп» дейишади.

Доришуносликни — Фармакологияни биринчи бўлиб ташкил этган олим Собир ибн Саҳл бўлиб, у киши ҳижрий 560 санада вафот этган.

Доришунослик бўйича биринчи ўқув юртини ташкил қилганлар ҳам мусулмонлар.

Дорихоналарни биринчи очганлар ҳам мусулмонлар. Ер юзидаги биринчи тўлиқ маънодаги дорихона Бағдод шаҳрида очилган. Солиштириш учун айтадиган бўлсак, Овруподаги биринчи дорихона ундан беш юз йил кейин очилган.

Мусулмонлар доришунослик бўйича дунёдаги энг машҳур китобларни таълиф қилганлар. Мазкур китоблар ичида энг машҳурларидан бири буюк ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг «Сайдана» китобидир. Шунингдек, бу соҳадаги дунёга машҳур китоблар қаторида Розийнинг «ал-Ҳовий», Ибн ал-Байторнинг «ал-Жомеъ ли муфрадотил адвия вал ағзия», Довуд ал-Антокийнинг «Тазкира», Берунийнинг «Китобул Ақоқийр» ва бошқаларни зикр қилишимиз мумкин.

Мусулмонлар доришуносликни алоҳида касбга айлантиришда ҳам дунёда биринчи бўлганлар. Ҳар бир шаҳарда доришуносларнинг жамияти ва у жамиятнинг раиси бўлган.

Мусулмонлар дори олиш учун беморга тиббий қоғоз ёзиб беришни ҳам биринчи бўлиб таомулга киритганлар. Табиблар хасталик ташхисини ва унга зарур бўлган дориларни ўша тиббий қоғозга ёзиб берар эдилар. Доришунослар унга қараб дори берар ёки тайёри бўлмаса, тайёрлаб берар эдилар.

Мусулмонлар дунёда биринчи бўлиб доришуносларни имтиҳондан ўтказиб қўлларига ҳужжат беришни ва исмларини умумий рўйхатга ёзиб қўйишни йўлга қўйдилар. Шунингдек, улар доришуносни табибнинг ишига аралашини ман қилдилар ва табибга хусусий дорихона очишни ман қилдилар.

Шунингдек, мусулмонлар дунёда биринчи бўлиб дориларни давомли равишда текшириб туриш низомини ишлаб чиқдилар. Дориларнинг баҳосини тайин қилдилар. Дорихоначиларга заҳар сотишни ман қилдилар. Ҳар жойнинг муҳтасиби дорихоналарни давомли равишда, ҳар ҳафтада тафтиш қилиб турар эди. Хасталарнинг алдаш ва ҳақини уриб қолишни олдини олиш учун кўпинча муҳтасиб ўзи билан миршабни ҳам олиб юрар эди.

Мусулмон доришунослар дори тайёрлаш услубларини яхшиладилар. Уларга ширинлик қўшишни жорий қилдилар.

Бу нарсаларни зикр қилишдан мақсад, буюк тарихимизни ўрганиш, улуғ аجدодларимиздан ўрнак олиш ва, энг муҳими, ўзимиз улар каби жаҳон халқларининг олдинги сафига ўтишга ҳаракат қилишимиз зарурлигини англаб етиб, унга чора кўришдир.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди